УДК: 821.512.133

АБДУРАУФ ФИТРАТ ИЖОДИДА “ВАТАН” ВА “МИЛЛАТ” БАДИИЙ КОНЦЕПТЛАРИ

А.А.Худайбердиев

Мақолада XX аср ўзбек жадид адабиётида янги бир авлод, янги тафаккур, янги тушунча ва қарашлар шаклланганлиги Фитрат ижоди мисолида ёритилган. Жадид матбуоти ва адабиётида “ватан” ва “миллат” тушунчаларининг фаоллашуви заминида Фитрат ижодидаги ушбу концептларнинг турли бадиий талқинлари, уларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган. Шоирнинг мазкур концептлар устида замонага мос талқин қилиш йўлида жиддий изланишлар қилгани асосланган.

Калит сўзлар: *Ватан, миллат, дин, анъанавий исломий концепт, жадидчилик, маърифатчилик, янги тафаккур, Туркистон, туркийлик, тараққий*.

В статье на примере творчества Фитрата освещается формированиенового поколения, нового мышления, новых понятий и взглядов в джадидской узбекской литературе XX века. На фоне активизации понятий «родина» и «нация» в джадидской печати и литературе выявлены различные художественные трактовки и сущности данных понятий в творчестве Фитрата. Обоснованы серьезные исследования интерпретации данных концептов, проведенные поэтом в соответствии со временем.

Ключевые слова: *Родина, нация, религия, традиционная исламскаяконцепция, джадидизм, просвещение, новое мышление, Туркестан, тюркизм, прогресс*.

Кириш

XX аср боши жадид адабиёти авлодига мансуб ўзбек ижодкорлари асарларининг ўзига хослиги, ўз даврига мос янги тушунчалар (концептлар) тизими асосида яратилганлиги адабиётшуносликда кўп бора қайд этилган. Лекин даврга мос янги тушунчалар тизимининг ўзига хослиги ва уларни шакллантирган объектив ҳамда субъектив омиллар яхлит тадқиқ этилган ишлар яратилди, деб айтолмаймиз. Жумладан, XX аср ўзбек шеъриятидаги энг фаол бадиий концептлардан бўлмиш “ватан” ва “миллат” концептларини, уларнинг генезиси ва такомили масаласини тадқиқ этиш ҳамон долзарблигича қолмоқда.

“Аввало шуки, санъат ва адабиётдаги ўзгаришлар, хусусан, уларнинг ижтимоий-лашуви бир ёки икки мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида рўй берган воқеалар билангина чекланиб қолмай, дунёдаги илғор халқларнинг цивилизацион даражаси билан ҳам жипс боғлиқ эканлиги, бунинг кишилик жамияти тараққиётидан келиб чиқувчи табиий ва қонуний ҳол эканлиги XX асрга келиб очиқ кўзга ташланди” [7. Б. 66]. Шундай экан, XX аср ўзбек шеъриятидаги даврга мос янги тушунчалар тизимининг шаклланиши ҳам маълум бир омиллар таъсирида кечган жараёндир. Шоир Фитрат ижоди мисолида энг фаол бадиий концептлардан “ватан” ва “миллат” концептлари генезиси ва такомили масаласини давр шарт-шароитлари таъсири билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқамиз.

Материал ва методлар

XX аср ўзбек шеъриятидаги даврга мос янги тушунчалар тизими, хусусан, энг фаол бадиий концептлардан “ватан” ва “миллат” концептлари генезиси ва такомили масаласининг тадқиқи учун Абдурауф Фитрат шеърлари ҳамда илк ижодиган оид насрий асарлари – “Мунозара” ва “Ҳинд сайёҳи” таҳлилга тортилди. Фитрат жадидчилик ҳаракати раҳнамоларидан бўлгани, таҳлилга жалб қилинган асарларининг ёзилиши Туркиядаги таҳсил вақтларига тўғри келиши масаланинг муҳим бир қиррасини – ташқи омилни ўрганишга ҳам имкон беради.

Қўйилган муаммони ўрганишда маданий-тарихий ва қиёсий-типологик таҳлил усуллари қўлланди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили

XX аср бошига келиб ижтимоий, сиёсий, маърифий ҳаракат бўлган жадидчилик Туркистон жамиятида мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади. Аср бошидан ушбу ҳаракат замирида ўзбек адабий майдонида янги бир авлод, миллий бадиий тафаккур ривожига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилган "янги тафаккур", янги тушунча ва қарашлар шаклланди. Шунингдек, бу даврда дунёнинг бошқа халқлари қатори Туркистонда ҳам эрк ва тараққий йўлида миллиятчилик масаласига эътибор кучая бошлади. Бу борадаги изланишлар давр матбуоти саҳифаларида, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалаларига бағишланган публицистик мақолаларда, миллий турмушни акс эттиришга қаратилган насрий ва драматик асарлар ҳамда миллий шеърларда бўй кўрсата бошлади. Бунинг асосида миллатни уйғотиш, унинг дунёдаги ўрни ва эртанги истиқболини хайрли қилиш мақсади ётарди, албатта. Бу жараён, табиийки, шунга мос тушунчалар тизимини тақозо этади. Шунинг натижаси ўлароқ, ўзбек жадид матбуоти ва адабиётида "ватан" ва "миллат" тушунчаларининг фаоллашуви, уларнинг мазмун-моҳиятини аниқ белгилаб олишга интилиш кучайгани кузатилди. Жадид адабиётининг ёрқин вакилларидан бири – Абдурауф Фитрат ижодида "ватан" ва "миллат" концептларининг турли бадиий талқинлари мисолида ҳам буни кўришимиз мумкин. Унинг бир неча тўпламларидан жой олган шеърлари ҳамда насрий асарлари бизни қизиқтирган масалада фикр юритиш учун бой материал беради.

1911 йилда Туркиянинг Истанбул шаҳрида нашрдан чиққан, форс тилида ёзилган, ватанпарварлик руҳи билан йўғрилган шеърлардан иборат "Сайҳа" ("Чорлов") номли тўпламда Фитратнинг Бухоро мадҳ этилган бир шеъри мавжуд [2. Б. 355].

Эй модари азизи ман, эй хиттаи Бухор,
Эй бо ту ифтихораму в-эй бо ту эътибор.
Эй кӯҳи илм, баҳри шаҳомат, фазои файз,
Саҳрои маҷд, боғи ҳунар, соҳаи виқор.
Таржимаси:
Эй азиз Онам, эй Бухор ўлкаси,
Эй сен ифтихорим, сен-ла эътиборим.
Эй илм тоғи, улуғвор денгиз, иноят фазоси,
Шуҳрат саҳроси, санъат боғи, виқор майдони.

Шоир Бухоро билан фахрланади, у – унинг ифтихори, Бухоро унинг учун улуғвор денгиз, илм тоғи, эътиборининг чўққисидаги азиз Она!

Фитратнинг Бухорода туғилгани маълум. У ҳақида Садриддин Айний шундай ёзади: "Бу даврдаги ҳурфикрли ёшлардан бири Абдурауф Фитрат эди. Бу шахс Бухоро талабалари орасида энг зукко ва фозиллардан бўлиб, Абдулқодир Маҳмуд воситаси билан "Сирот ул-мустақим" мажалласини мутолаа қилиб, хориждаги таҳсилга тайёр бўлиб қолган эди" [1. Б. 83].

Туркиядаги таҳсили давомида ёзилган ушбу шеър шоирнинг юртига нисбатан қалбидаги соғинч чечакларидан иборат мисоли бир гулдастадир. Туғилиб ўсган юрти Бухоро Фитрат учун "Менинг Ватаним! Жону танимнинг зиёратгоҳи, бутун осойишим ва шарафим, менинг Каъбам, менинг қиблам, менинг чаманим" эди:

Бинмо саҳаре азми тавофи ватани ман,
Ах-ах, чӣ ватан саҷдагаҳи ҷону тани ман.
Ҳам маъмани осоишу иззу шарафи ман,
Ҳам Каъбаи ман, қиблаи ман, ҳам чамани ман. [2. Б. 355].

Таржимаси:
Саҳар чоғи Ватанимни сайр этайлик,
Оҳ-оҳ, ватанки жону таним саждагоҳи.
Менинг бутун тинчлигим ва шарафим,
Ҳам Каъбам, қиблам, ҳам чаманим.

Тарихдан маълумки, XVI асрда Туркистон ҳудудида темурийлар салтанати – Мовароуннаҳр парчалангандан сўнг, унинг ўрнида йиллар мобайнида Хива, Бухоро ҳамда Қўқон хонликлари вужудга келган эди. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб хонликлар рус босқинига учраб, чор империяси томонидан бирма-бир босиб олинади.

Руслар Бухорони империя таркибига қўшиб олмай, уни протекторатга айлантирган, амирни ҳам тахтда қолдирганди. Амир ички сиёсатни белгилашда мустақил эди. Мағлубият аламини тотган амир Музаффар минтақада ўзини исломнинг сўнгги, ягона ҳимоячиси сифатида талқин этиб, барча чет таъсирларни чеклашга интилди. Протекторатлик мақоми амирни ички мухоли-

фатдан руслар ҳифзу ҳимоя қилишини англатарди, бу эса унга ички сиёсатда аввалги амирлар эриша олмаган нуфузни берди [12. Б. 40–41].

Чор империяси билан тенг бўлмаса-да, унинг таркибига қўшилмаган, лекин унга қарам, ички сиёсатда эса мустақил Бухоро – Фитратнинг ватани эди. Юқоридаги мисраларда "ватан" концепти муайян ҳудуд – Бухорони англатмоқда ва шеър контекстида "ватан" ва "Бухоро" сўзлари контекстуал синоним ўлароқ ишлатилмоқда.

Аввал бирасон аз тарафам арзи дуоро,
В-он гаҳ бинамо лобаву баргўй: «Бухоро!»
[2. Б. 356].

Таржимаси:
Аввал менинг дуоимни етказинг-да,
Сўнг қараб, бор овоз-ла "Бухоро!" денг.

Бу мисраларда ҳам "ватан" концептининг юқоридагидек талқинига гувоҳ бўламиз ва Бухоро муайян ҳудуд сифатидаги "ватан" маъносини бермоқда.

Фитратнинг 1911 йилда Истанбулда нашр этилган насрий асари – "Ҳиндистонда бир фаранги ила Бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилған мунозараси"да ҳам юқоридагидек "ватан" ва "миллат" концептлари талқинларига дуч келамиз.

Фитрат "Мунозара"нинг муқаддимасини "Бухоронинг нажиб миллати бўлған ватандошларим" [11. Б. 46] дея мурожаат билан бошлайди. XIX асарнинг ўрталарида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий аҳволга назар солсак, ўлкада уч давлат – Хива, Бухоро ва Қўқон хонликлари мавжуд эди. Бу давлатлар асосан бир тилли, яъни туркий тилли ўзбек этник гуруҳлари (манғит, қўнғирот, минг, кенагас ва бошқалар) нинг уюшуви ва жипслашуви заминида ташкил топганди. Шундай экан, Фитрат нега ўз ватандошларини "Бухоронинг нажиб миллати" сифатида урғуламоқда? "Бу миллат қандай миллат?" ва "Уни қандай тушунмоқ керак?" каби ўринли саволлар кишини ўйга толдиради. Фитрат эл орасида Бухоро ҳақидаги ўша машҳур байт: "Бухоро қуввати исломи дин аст" ("Бухоро ислом динининг қуввати") жиҳатидан "миллат" концептида анъанавийлик устуворлиги боис "нажиб миллат" иборасини қўллаганми десак, бу "нажиб миллат" диндошларга эмас, "ватандошлар"га қаратилганлигига кўра, бу ўринда "миллат" коцептида анъанавийлик устувор бўлмай, ҳудудий чегараланганлиги англашилади. Бухоро миллати – "ватандошлар", ватан эса Бухоро. Мурожаат объекти бўлмиш "ватандошлар" матнда "ватан" ва "миллат" концептлари билан боғлиқ ҳолда қўлланган маънонинг конкретлашувига хизмат қилади. Гап "ватандошлар" ҳақида боргани учун мурожаат муайян ҳудудда – Бухорода яшовчиларга қаратилган. Буни муқаддима давомидаги "биз – бухоролилар" ва муқаддима сўнгида "Бухороли Абдурауф Фитрат" имзосидаги ҳудудга ишора ҳам асослайди.

Асар хотимасида юртга нисбатан "Бухоро бизнинг муқаддас ватанимиздир", амирга нисбатан "миллатпаноҳ подшоҳ", "Бухоро миллатининг меҳрибон отаси", халққа нисбатан "азиз ватандошлар", "диндош биродарлар" каби таърифларда "ватан" ва "миллат" концептлари бир-бири билан узвий боғлиқ талқин қилинаётгани англашилади. Шунингдек, "миллат" концепти ўрни билан анъанавий концепт билан ҳам алмашиниб туради. Жумладан, асар хотимасида "Исломия салтанатининг заифлиғи меҳрибон қалбингга очиқ ва бадиятан давримизнинг авлиёсига маълумдирки, бугун ё эрта дини исломнинг душманлари биз мусулмон халқини қаро асирлик кунига дучор қиладир", "исломдаги ҳамма фирқалар иттифоқи, яъни кимки "Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ" калимасини айтса, қайси мазҳабда бўлса ҳам, мусулмон деб билинг, аниқроқ айтсам, шиа ва суннийлар ихтилофини орадан кўтаринг. Сизни ушбу важҳ ила мухолиф қилиб ажратаётганлар ислом хоинларидир" тарзидаги сатрларда "мусулмон миллати" ва "ислом хоинлари" зидлиги ҳақида гап борадики, бу ерда ҳудудий чегаралар олиб ташланади. Қолаверса, нутқ амир шахсига қарата айтилган эса-да, "Исломия салтанати"ни икки маънода – тор ва кенг маъноларда тушуниш мумкин. Тор маънода Бухоро амирлиги англашилса, кенг маънода эса заифлашиб бораётган бутун ислом давлатлари назарда тутиладики, бунда ҳам ҳудудий чегаралар олиб ташланади. "Миллат" концепти ифодаси "Биз мусулмон халқи"да ҳам айни шу ҳолни кўрамиз. Асар давомида Бухоро халқига мурожаатларида "қардошлар" ёки

“қариндошлар” атамалари тилга олинмаганки, бу “миллат” концептида туркийликка хос этник, қариндошлик элементлари эмас, диний ва ҳудудий бирлик элементлари нисбатан устувор эканлигини кўрсатади. Асарда ҳатто “Туркистон ислом миллатлари” атамасида ҳам бунинг гувоҳи бўламиз.

“Мунозара”да фаранги “жадидлар алифбони (форсийга монанд) 25 ҳарф қилғани – бу бизнинг мазҳабда дуруст эмас”лиғидан уларни кофирга чиқарган мударрисга жавобан Бухоро уламоларини танқид қилар экан, уламолар қилмишлари исломнинг ривожи ва тараққийига эмас, аксинча унинг таназзулига хизмат қилганини ва бу наҳот куфрликдан йироқ иш бўлса қабилида куюниб гапириб, жадидлар ишини маъқуллайди: “Бас, бечора жадидлар кофир ҳам бўлмағанлар. Алифбони 25 ҳарф қилиб қўйғанини қабул қилган тақдирда ҳам, қандай қилиб, Сиз Бухоро уламоси Худованди карим кўбғина оятлар билан фарз қилған жиҳот ва байзойи исломнинг муҳофазаси масъаласидан танбаллик ва роҳатпарастлик билан кўз юмдингиз, рибо, нусаввасга монеъ қилишдан ташоҳул қилиб, маҳзари шаръийда қонуний васиқалар билан муомала қилдингиз, вақфларни шаръий ижозатсиз олди-сотдиға чиқардингиз, Туркистон ислом миллатларини ислом подшоҳларининг кавзаи тасарруфидан чиқариб ташладингиз? Азиз исломни – залил, ғолиб исломни – мағлуб, жузъя олувчи исломни – жузъя берувчи қилдингиз. Қаҳр қуввати билан кофирни титратган исломни анвойи тазаллулга дучор қилдингиз” [11. Б.87].

Бу ўриндаги “миллат” концепти муайян ҳудудни англатиб, энди Бухоро билан чегараланмай, балки бутун Туркистонни, унда истиқомат қилувчи “Туркистон мусулмонлари”ни ифода этмоқда. “Туркистон ислом миллатлари” дейилиши билан Бухоро, Хива ва Қўқон, балки бутун Ўрта Осиёдаги мусулмонлар тушунилаётганлиги англашилади. Бунга “ислом подшоҳлари” жумласи ҳам аниқлик киритади. Қолаверса, бу “кофир (ғайриислом) ва ислом” зидлигида янада аниқ кўринади. Бунда энди “миллат” концепти маҳаллий чегаралардан минтақавий чегараларгача кенгайганининг гувоҳи бўламиз.

Унда фақатгина “Бухоро уламоси”нинг фаранги айтган бу “куфрлиги” қандай қилиб Туркистон ислом миллатларини ислом подшоҳларининг тасарруфидан чиқиб кетишига ва исломнинг таназзулига сабаб бўлиши мумкин, деган ўринли савол туғилиши табиий.

Бунга Фитратнинг “Ҳинд сайёҳи баёноти” асаридаги қуйидаги сатрлардан жавобни топгандекмиз: “Мирзажон Шерозийнинг келиши билан Бухоро уламолари “зиёдати лафзи салосин” маънисини таҳқиқ этишдек нафсиз ишға берилиб, адашмишлар. Туркистонлиларнинг кўбчилиги айни шунда таҳсил кўрганлари боис бухоролиларга эргашиб, улар ҳам жаҳолат ва ғафлат ботқоғига ботмишлар. Алал-оқибат маданият осмонининг порлоқ юлдузи, инсоният китобининг нурли саҳифаси бўлмиш Туркистонни дўсту душман олдида эшитиш ва гапуриш бобида уятлиқ бир ҳолға етказмишлар, ҳалокатға мубтало этмишлар” [11. Б. 99].

Бундан юқорида туғилган саволга бироз жавоб англашилади, бироқ “туркистонлилар ва бухоролилар” жумлаларига аниқлик киритишга эҳтиёж туғилади. Бу ўринда “туркистонлилар” дейилганда минтақавий эмас, балки маҳаллий ҳудуд, яъни Чор Русияси томонидан босиб олинган Қўқон хонлиги ўрнида ташкил топган “Туркистон вилояти уламолари” назарда тутилганини айтиб ўтиш керак. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Фитрат жадидлар тарафдори ўлароқ мутаассиб Бухоро уламолари, яъни қадимчиларга зид позицияда турган. Бу зидлик “жадид ва қадим” жиҳатидан умумийлик касб этиб, “жадидчилар ва қадимчилар” фонида – “Бухоро уламолари” сабаб “туркистонлиларнинг бухоролиларга эргашиб, улар ҳам жаҳолат ва ғафлат ботқоғига ботиши” билан бутун минтақавий зиддиятни ҳам юзага чиқаради. Бунинг оқибатида “дўсту душман олдида эшитиш ва гапуриш бобида уятлиқ бир ҳолға еткан”, ҳалокатға мубтало бўлган Туркистон айни ўринда минтақавий ҳудудни ифодалайди. Бундан “миллат” ва “ватан” концептларининг турли ўринларда ҳам маҳаллий, ҳам минтақавий ҳудуд маъноларини ифодалаб келаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

“Мунозара”нинг бир неча ўринларида “дин ва Ватан муҳофазаси” ҳақида гап боради: “Мударрис: Доимо интизом ҳалокатни тақозо этганидек, ўз дини ва Ватаннинг муҳофазаси

асбобини ҳозирги илму фанлар билан тезроқ тартиб беришлари керак мусулмонларнинг.

Фаранги: Бас, ўзингизнинг иқрорингиз билан аҳли исломға жадид мактабини очиш ва ҳозирги замонавий фанларнинг таҳсили вожибдир. Кимки буни манъ этиш учун қалқса, шариатға мункир, исломға душман, маҳбуби Ватан хоини бўлиб, дунё ва охиратда ҳазрати Ҳақ таолоға мағзуб ва мақҳур бўлади" [11. Б. 92].

Кўринадики, дин ва Ватан муҳофазаси илму фан билан англанмоғи, унга тартиб берилмоғи, уларга баробар хизмат қилмоқ шарт эканлиги, бундан эса дин ва Ватан тенглиги ҳақида гап бораётганлиги сезилади.

"Ҳуррият" газетасида бухоролик Абдураҳмон Муфтийзоданинг "Дин, Ватан, замон" мақоласида [15. Б. 2] келтирилган қуйидаги фикрлар ҳам бунга ҳамоҳанг ва тасдиқ ўлароқ янграйди: "Диёнат юзиндан Каъбатуллоҳға таъзим қила эсанг, миллият юзиндан ватанға таъзим, ватанға эҳтиром қиламиз. Диёнат юзиндан аълойи калиматуллоҳ ва ижройи адолат тўғрисинда тиришур эсанг, миллият юзиндан ватан тараққийси, ватан таъолими йўлинда тиришурмиз. Диёнат ва сўфилиқ юзиндан "Оллоҳ" калимаи муқаддасасини зикримиз, тасбеҳимиз қилғонда миллият ва туркликнинг юзиндан "Ватан", "Турон" ва "Туркистон" сўзларини авроҳимиз қилиб юрамиз".

Туркистон жадидчилигини тадқиқ этувчи айрим олимларнинг таъкидлашларича, маҳаллий жадидлар 1917 йилга қадар умумий бир дастурга эга бўлмаганлар. Уларнинг фикрича, туркистонликларнинг дунёқарашини бир қадар ўзгартира олган Фитратнинг "Мунозара" ва "Ҳинд сайёҳи" асарлари 1917 йилга қадар туркистонлик жадидларнинг норасмий дастури сифатида қабул қилинган эди [4. Б. 87] Айни шу фикрни япониялик олим Ҳ.Коматсу ҳам илгари суради ва Фитратнинг юқоридаги икки асари Бухоро ва Туркистондаги жадид – ислоҳотчилик ҳаракатининг манифести бўлганлигини таъкидлайди [5. Б. 279].

Фитрат Туркиядаги тўрт йиллик (1909–1913 йиллар) таҳсилни тугатиб, Бухорога қайтгач, усули жадид мактаблари очиш ва Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг фаол иштирокчиси ўлароқ маданий ҳаётни йўлга қўйишга шошилади. Жадидчилик ҳаракати сиёсий тус ола бошлайди. Жадид ташкилотларининг мақсадлари кенгайиб, сиёсий тус олганининг сабаби 2 та эди: биринчидан, 1914–1915 йилларда жадидчилик бошидан кечирган инқироз – газеталар ва янги усул мактабларининг беркитилиш ҳоллари, ҳокимият жадидларнинг билимсизлик ва ғафлатга қарши кураш фаолиятини кенгайтиришга йўл бермаслиги, шунингдек, бусиз жамиятда ҳеч қандай ўзгаришларга эришиб бўлмаслигини кўрсатди. Иккинчидан, жадидчилик ҳаракатига хорижда ўқиб, чет элдаги миллий тараққийпарвар ҳаракатлар тажрибасини ўрганиб қайтган ёш кучлар оқими келиб қўшилди. Улар маданийлаштириш доирасида чекланиб қолмай, аниқ сиёсий вазифалар қўйишни талаб қилдилар [3. Б. 101].

"Ёш бухоролилар" партияси ташкил этилиб, сўл жадидларга бошчилик қилган Фитрат партияга бош котиб этиб тайинланади. Улар амирни тартибга чақириш орқали Бухородаги сиёсий ва маданий тизимни ислоҳотлар воситасида ўзгартирмоқчи бўладилар. Аммо амир ва мутаассиб уламоларнинг кучли қаршилигига дуч келадилар. Ҳаракат қувғинга учрайди ва жадидларга қарши қатағонлар бошланади. Бу воқеалардан сўнг 1917 йил апрелда Фитрат Бухородан кетиб, Самарқандда фаолиятини давом эттиради. "Ҳуррият" газетасига мақолалар ёза бошлаган шоирнинг июль ойида газетанинг 26-сонида "Юрт қайғуси" номли мансураси [13. Б. 2] эълон қилинади:

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!

Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг?

Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, Ўғузларнинг, Отиллаларнинг шонли бешиклари! Қани у чиқдиғинг юксак ўринлар? Қуллик чуқурлариға недан тушдинг?

Асар ёзилган санага эътибор қаратсак, 1917 йил – жадидлар мафкураси жадал равишда тарғиб қилинган давр. Бу пайтга келиб Темур ва Турон мавзуси жадидлар сиёсий тасаввурининг марказига айланиб улгурганди. Биринчи жаҳон урушининг ўлкага таъсири Туркистонда мавжуд мустамлака тузумнинг оз бўлса-да издан чиққанини кўрсатган бўлса, кейинги йилларда Рус империясидаги ижтимоий-сиёсий депсинишлар ва уларнинг Туркистонга ёйили-

ши маҳаллий жамиятдаги кучлар ҳаракатининг ҳам илдамлашига замин яратган эди. Жадидлар мафкурасининг асоси бўлган туркийлик ғояси шу тахлит уларнинг ижодий асарларида кенг куйлана бошланди.

Бу ердаги “Улуғ Турон” бугунги абгорлиги ислоҳ қилиниши керак бўлган турклар ватани, жаҳонгирлар бешиги, жаҳон империяларининг маркази эди. “Туркистон мусулмонлари” энди туркийларга, уларнинг юрти эса буюк қаҳрамонлар бешигига айланди... Юқоридаги шеърда ислом келишидан аввал ҳукм сурган Отилла билан турклар орасида исломни ёйган афсонавий Ўғузхон, мусулмон ўлкаларни култепага айлантирган Чингизхон билан адолатли ҳукмдор Темур ёнма-ён тилга олинади. Уларнинг барини бирлаштирадиган жиҳат “Турон”да туғилгани ва миллати умумий бўлгани эди гўё [12. Б. 68–69]. Шунингдек, яна бир “Юрт қайғуси” номли шеърида [16. Б. 4] Фитрат *“Темур била Чингиз қони тошди томримиздан”, “турк тенгизи тошқун қила”* деб, *“Турон ёвини қувғали”* шайланади. Одатда, Чингизхон ҳақида гап кетганда уни босқинчи ҳукмдор сифатида тилга олинади. Лекин шоир Темур ва Чингиз қони томирида оқаётганлигини урғулайди. Шеърда келтирилган тарихий шахслар улкан мўғул империяси ҳоқони Чингизхон ва адолатли ҳукмдор Темур “қони”дан мурод уларнинг айни бир миллат – турк, туркий эканлигига ишорадир. Яна бир шунга оид маълумот ҳам борки, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарида Чингизхон ва Амир Темур бир отанинг авлодлари эканлиги таъкидлаб ўтилган. Унга кўра, уларнинг ота томонидан шажаравий силсиласи Туминахонда бирлашади. Туминахон (Тумбинахон) Чингизхонга тўртинчи ота-аждод бўлса [6. Б. 343], Соҳибқирон Амир Темурнинг тўққизинчи ота-аждоди [6. Б. 324] экани кўрсатилади. Қолаверса, Бузанжар қоон Темучин – Чингизхоннинг тўққизинчи бобоси ва Амир Темурнинг ўн тўртинчи бобоси эканлиги айтиб ўтилади [6. Б. 66]. Тарихий маълумотлардан хабардор ва бу илмларнинг билимдони бўлган Фитратнинг томиримда “Темур била Чингиз қони тошди” дейиши шу жиҳатдан ҳам асослидир. Бу умумийлик Фитрат “қони”да “турк тенгизи тошқун қила қолиши”да ҳам кўринадики, энди унинг қарашларида “миллат” ва “ватан” концептларининг “янги тафаккур” ила англанаётганига гувоҳ бўла борамиз.

Қадимдан Турон – туркларнинг ватани. Бу ўринда Турон муайян ҳудуд сифатидаги “ватан” маъносини бериш билан бирга “аждодлар – қон – турк” силсиласига кўра этниклашгани кўринади. Шунга ўхшаш талқинни “Ҳуррият” газетасида чоп этилган “Юрт қайғуси” номли яна бир шеърда [14. Б. 2] ҳам кузатамиз:

Оҳ... Билдим... билдим... Англадим!
Сен менинг Ватанимсан, Ватанимнинг мунгли хаёлисан.
Эй муқаддас Туронимнинг хаёли, кетмай тур, айрилма.
Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма.
Туроним, сендан айрилмоқ – менинг учун ўлимим.

Турон – бугунги Туркистоннинг қадимги номи ўлароқ муайян ҳудудни англатиш билан бирга, “Турон” ва “ватан” сўзлари матнда контекстуал синоним бўлиб келяпти. 1911 йилда чоп этилган шеърларида форсий тилда “Менинг Ватаним – Бухоро!” дея мадҳ этган Фитрат 1917 йилга келиб “Турон, Сен менинг Ватанимсан” деб, энди турк (ўзбекчиғатой) тилида баралла куйлай бошлайди. Туркиядаги тўрт йиллик таҳсили давомида гарчи асарлари ватанпарварлик руҳида ёзилган эса-да, у пайтда шоир ватани Бухоро эди, бу тушунчага ҳали миллий тус берилмаганди. Фитрат хаёлларининг Бухородан Туронга кўчиши, юқорида таъкидлаганимиздек, Турон тушунчасини этниклаштириш билан боғлиқ бўлди. Бир томондан, Фитратнинг қарашлари, фикрлари ўзгаришига Туркияда ўқиб юрган пайтларида у ердаги воқеаларнинг таъсири бўлганлиги ҳам табиий. Таҳсил йиллари Туркияда Болқон уруши ва ёш туркларнинг конституциявий инқилоби даврига тўғри келганди. Усмонли империяси XX аср бошига келиб турли ташқи таъсирлар ва миллий ички низолар сабаб парчаланиш ҳолига келиб қолаётганди. Шунинг натижаси ўлароқ у ерда ҳам туркийлик ғояси долзарблик касб этганди. Ислоҳотлар зарурлигини, миллат яшаб қолиши ва ривожланиши учун янгилик, маълум бир миллий ғоя эҳтиёжини

тушунди. Мана шу жараёнларни англаб етган, “ўз миллатининг саодати ва осойиши”ни ўйлаган Фитратнинг юртига қайтганидан сўнг қарашлари ўзгаргани шеърларида акс эта бошлади. Бу албатта, туркийликни англаши, қолаверса, Туркияда ўқиб юрган пайтдаги сиёсий воқелик, ижтимоий ҳаётдан хабардор бўлганидек, Туркистондаги вазиятни ҳам теран таҳлил қила бошлаганидан дарак эди. Иккинчи томондан, Бухорода “жадидлар ва қадимлар” зидлигида бухоролик жадидлар билан ўлка жадидларининг алоқаси яқинлашган ҳамда жадидлар мафкурасининг негизи бўлган туркийлик ғояси ҳам Бухоро жадидларига сезиларли таъсир ўтказган. Шу сабаб исломий ислоҳотчиликдан воз кечиб, Туркистон – марказли туркийлик ғоясига асосий урғу бера бошлади. Ташқи ҳамда ички кучларга ва анъаналарга қарши ёзилган асарларида тараққиёт ғоясини илгари сурди. Бу умумийликда “Турон” – Туркистонни яхлит ҳудуд – “Ватан” сифатида, унинг халқини турк – бир миллат сифатида кўриш ҳисси аллақачон уйғонган эди.

XX аср бошида “янги тафаккур” шаклланa бошлаганини юқорида айтгандикки, кузатганимиз шунинг конкрет ижодкор онгидаги зуҳуротидир.

Хулоса

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан маълум бўладики, XX аср бошлари ўзбек жадид адабиётида, хусусан, Фитрат ижодида “ватан” ва “миллат” концептларининг бу тарзда қайта идрок этилиши, уларнинг мазмун-моҳиятини замонага мос талқин қилиниши жадидларнинг мақсади – юртни мустақил кўриш ва унинг тараққийи муддаосидан келиб чиққан бўлиб, бу изланишлар, аввало, шу чоққача миллий тафаккурда мавжуд бўлган анъанавий исломий концептлар, иккинчи ёқдан, Туркистоннинг мустамлака шароитида эканлиги ва ниҳоят, учинчидан, жадидчилик ғояларининг бевосита таъсирида кечгандир. Ушбу масаланинг махсус ўрганилиши эса XX аср ўзбек шеъриятидаги энг фаол бадиий концептлардан бирининг генезиси ва такомили ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш имконини яратади.

Адабиётлар:

1. *Айний С.* Тарихи инқилоби Бухоро. – Душанбе: Адиб, 1987. – 83 б.
2. *Айний С.* Намунаи адабиёти тоҷик. – Душанбе: Адиб, 2010. – 355 б.
3. *Алимова Д.* Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Тошкент: Университет, 1999. – 101 б.
4. *Abdullaev R., Alimova D., Bagirova I.* The History of Public and Cultural Reformation in the Caucasus and Central Asia (19th-early 20th century) – Samarkand: IICAS, 2013. – 312 p.
5. *Komatsu Hisao*. Muslim Intellectuals and Japan: a Pan-Islamist mediator, Abdurreshid Ibrahim. In: Intellectuals in the Modern Islamic World: Transmission, transformation, communication. S.A.Dudoignon, H.Komatsu, and Y.Kosugi eds. – London-New York: Routledge, 2006. – 396 p.
6. *Мирзо Улуғбек*. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 352 б.
7. *Ҳамдам У.* Янги ўзбек шеърияти – Тошкент: Adib, 2012. – 304 б.
8. *Қосимов Б.* Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 400 б.
9. *Қуронов Д.* Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 480 б.
10. *Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М.* Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 408 б.
11. *Фитрат А*. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 256 б.
12. *Холид Адиб*. Ўзбекистон таваллуди: илк СССР даврида миллат, империя ва инқилоб. – Тошкент: Академнашр, 2022. – 424 б.
13. *Фитрат А*. Юрт қайғуси (сочма) // “Ҳуррият” газетаси. 1917 йил 28 июль. 26-сон.
14. *Фитрат А*. Юрт қайғуси (Бир ўзбек йигитининг тилидан) // “Ҳуррият” газетаси. 1917 йил 18 август. 31-сон.
15. *Муфтийзода Абдураҳмон*. Дин, Ватан, замон // “Ҳуррият” газетаси. 1917 йил 16 декабрь. 59-сон.
16. *Фитрат А*. Юрт қайғуси // “Ҳуррият” газетаси. 1917 йил 29 декабрь. 62-сон.

ARTISTIC CONCEPTS OF 'HOMELAND' AND 'NATION' IN THE CREATION OF ABDURAUF FITRAT

A.A. Khudayberdiyev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 7(67). 46-54.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: Homeland, nation, religion, traditional Islamic concept, Modernism, Enlightenment, new thinking, Turkestan, Turkism, progress.

In the article, the formation of a new generation, new thinking, new concepts and views in the 20th century Uzbek modern literature is highlighted on the example of Fitrat's work. Against the background of the activation of the concepts of "homeland" and "nation" in modern press and literature, various artistic interpretations of these concepts in Fitrat's work, their content and essence are revealed.

The originality of the works of Uzbek artists belonging to the generation of modern literature of the beginning of the 20th century, the fact that they were created on the basis of a system of new concepts suitable for the time, has been noted many times by literary critics and critics. However, we cannot say that the objective and subjective factors that created the uniqueness and formation of the system of new concepts suitable for the era were created. In particular, the special study of the concepts of "homeland" and "nation", which are among the most active artistic concepts in 20th century Uzbek poetry, and their genesis and improvement are still relevant.

The formation of a system of new concepts appropriate to the era in the Uzbek poetry of the 20th century is a process that took place under the influence of certain reasons. On the example of the work of the poet Fitrat, we will consider the issue of the genesis and improvement of the concepts of "homeland" and "nation" in connection with the influence of the conditions of the time.

Abdurauf Fitrat's poems and prose works – "Munozara" (The Debate) and "Bayonoti sayyohi hind" (Tales of an Indian Traveler) were analyzed in order to study the issue of the genesis and development of the concepts of "homeland" and "nation", which are among the most active artistic concepts, in Uzbek poetry of the 20th century. cultural-historical and comparative-typological analysis methods were used.

As we have seen, the re-perception of the concepts of "homeland" and "nation" in the Uzbek modern literature of the beginning of the 20th century, especially in the works of Fitrat, and the interpretation of their meaning in accordance with the times, originated from the goal of the modern works - to see the country as independent and the scope of its development. these researches are a process that was directly influenced by the traditional Islamic concepts that existed in the national thinking, secondly, by the fact that Turkestan was in colonial conditions, and finally, thirdly, by the ideas of Modernism. The special study of this issue allows to create a correct idea about the genesis and development of one of the most active artistic concepts in the Uzbek poetry of the 20th century.

References:

1. Ainiy, S. (1987). *Tarixi inqilobi Buxoro* [The historical revolution of Bukhara]. Dushanbe: Adib.

2. Ainiy, S. (2010). *Namunai adabiyoti tajik* [Sample literature is Tajik]. Dushanbe: Adib.

3. Alimova, D. (1999). *Jadidchilik: islohot, yangilanish, mustaqillik va taraqqiyot uchun kurash* [Jadidism: struggle for reform, renewal, independence and progress]. Tashkent: Universitet.

4. Abdullayev, R., Alimova, D., Bagirova, I. (2013). *The History of Public and Cultural Reformation in the Caucasus and Central Asia (19th-early 20th century).* Samarkand: IICAS.

5. Komatsu Hisao. (2006). Muslim Intellectuals and Japan: a Pan-Islamist mediator, Abdurreshid Ibrahim. In: Intellectuals in the Modern Islamic World: Transmission, transformation, communication. S.A.Dudoignon, H.Komatsu, and Y.Kosugi eds. – London-New York: Routledge.

6. Mirzo Ulug‘bek. (1993). *To‘rt ulus tarixi* [History of four nations]. Tashkent: Cho‘lpon.

7. Hamdam, U. (2012). Yangi o‘zbek she’riyati [New Uzbek poetry]. Tashkent: Adib.

8. Qosimov, B. (2002). *Milliy uyg‘onish: jasorat, ma’rifat, fidoyilik* [National Awakening: Courage, Enlightenment, Sacrifice]. Toshkent: Ma’naviyat.

9. Quronov, D. (2018). *Adabiyot nazariyasi asoslari* [Basics of literary theory]. Tashkent: Akademnashr.

10. Quronov, D., Mamajonov, Z., Sheraliyeva, M. (2013). *Adabiyotshunoslik lug‘ati* [Dictionary of literary studies]. Tashkent: Akademnashr.

11. Fitrat, A. (2000). *Tanlangan asarlar*. 5 jildlik. 1-jild. [Selected works. 5 volumes. Volume 1]. Tashkent: Ma’naviyat.

12. Xolid Adib. (2022). O‘zbekiston tavalludi: ilk SSSR davrida millat, imperiya va inqilob [Birth of Uzbekistan: Nation, Empire and Revolution in the Early USSR]. Toshkent: Akademnashr.

13. Fitrat, A. (1917). “Hurriyat” gazetasi. [‘Hurriyat’ newspaper]. Issue 26.

14. Fitrat, A. (1917). “Hurriyat” gazetasi. [‘Hurriyat’ newspaper]. Issue 31.

15. Muftiyzoda Abdurahmon. (1917). “Hurriyat” gazetasi. [‘Hurriyat’ newspaper]. Issue 59.

16. Fitrat, A. (1917). “Hurriyat” gazetasi. [‘Hurriyat’ newspaper]. Issue 62.

Муаллиф ҳақида маълумот:

ХУДАЙБЕРДИЕВ Акрам Акбарович – Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси таянч докторанти. E-mail: akromandijoniy@gmail.com